
УЧ МАҲАЛЛА ЁШЛАР ЕТАКЧИЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИГИ

УЧ МАҲАЛЛА ЁШЛАР ЕТАКЧИЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИГИ

Маҳаллаларда ўз фаолиятини бошлаган ёшлар етакчилари айни кунда ўзаро ҳамкорлик асосида ҳам кўп хайрли ишларни амалга оширишаётир.

Ровон, Истиқлол ва Навобод маҳалла фуқаролар йиғинлари ёшлар етакчиларининг ҳамкорликдаги фаолияти туфайли маҳаллалар кесимида жамоалар шакллантириб, феврал ойи якунида спортнинг мини-футбол тури бўйича мусобақаларга старт берилган эди.

Қизғин ва қизиқарли кечган мазкур мусобақаларнинг финал бисқичига етиб келган Ровон маҳалласининг "А.Темур" жамоаси ва Навобод маҳалласининг "Саховат" жамоалари ўзаро беллашиб, "Саховат" жамоаси ғолибликни қўлга киритди.

Мусобақалар якунига бағишилаб ўtkазилган тадбирда фахрли ўринларни эгаллаган жамоаларга мусобақа ташкилотчилари, туман прокурори ва ҳомийларнинг дипломлари, эсадалик ва қимматбаҳо совғалари тантанали тарзда топширилди.

Эслатиб ўтамиз, мазкур мусобақалар жараёнида вилоят ҳокими ўринбосари Файзулло Қосимов ва Ёшлар ишлари Агентлигининг вилоятдаги раҳбари Муҳаммадамин Ғаниевлар ҳам қатнашган эдилар.

Сўх тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2022-03-09 18:19:50